"FARG'ONA SUV TA'MINOTI"
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN
JAMIYATI

QUVA TUMAN BO'LIMI

№ 305

150800, Faxriylar ko'chasi 30-uy

**"Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" УК Фарғона вилоят худудий бошқармаси бошлиғи Р.Холиқназаровга**

## Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 Октябр куни 495 сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябр куни ПҚ-408 сонли қарорига асосан Қува тумани Оққўрғон МФЙ худудида яшовчи ахолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қуйидаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

### И ч и м л и к с у в б ў й и ч а

Қува тумани Оққўрғон МФЙ худуди ахолисини бир кунлик сув сарфи 200 $м^3$ хисобланиб, Оққўрғон МФЙ худудида 1 дона тик ичимлик сув қудуги казилсин, лойиха ва гидравлик хисоб китобларига асосан тармок тортилиб МФЙ худуди ичимлик суви билан таъминланиб, қурилиш монтаж ишлари ШНҚ, ҚМҚ хамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа мухандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган холда лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиха-смета хужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ бош мухандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июл куни 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув
объектлари лойиха-смета хужжатлари "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета хужжатлари берилиши шарт. Акс холда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета хужжатлари келишилмаган хисобланади ва мазкур объектлар "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида хақиқий деб хисобланади.

**"Фарғона сув таъминоти" МЧЖ**
**Қува бўлими бошлиғи:** **Т.Давидов**

**"Фарғона сув таъминоти" МЧЖ**
**Қува бўлими ИЧБ мухандиси:** **М.Мухамадов**

Scanned by TapScanner